

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2012 йил 26 декабрдаги  
507 -сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**МАРКЕТИНГ**

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш йўналишининг  
ўкув дастури

**Тошкент – 2012**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2012 йил 25 декабрдаги 4-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори;  
п.ф.н. доцент. Ф.Т.Эсанбоев- УзМУ ҳузуридаги минақавий маркази директори;  
и.ф.н. Ф.М.Назарова- ТДИУ, “Маркетинг” кафедраси доценти;  
М.Ж.Бауетдинов- ТДИУ, “Давлат молияси ва соликлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар: и.ф.д. Ш.Зайнутдинов - ТДИУ “Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” кафедраси профессори;  
и.ф.д., проф. Т.Ш. Шодиев- ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази бўлим бошлиғи.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 29 - ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **Кириш**

Педагог кадрларни малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 25-сонли Қарори, "Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳақида Низом" талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-1533-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли қарори республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича ютуқлар таълим дастурида ўз ифодасини топган.

Малака оширган тингловчилар педагог мутахассисларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билиши, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришуви ва мазкур таълим тизимида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва таълимнинг интерфаол усулларини амалда қўллай олиши, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим-тарбия жараёнода самарали фойдалана олиш кўнималарига эга бўлишлари керак.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Таълим хизматларида маркетинг стратегиялари;
- Глобаллшув шароитида халқаро маркетинг стратегиялари;
- Замонавий маркетинг концепцияси.

### **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;

- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

### **Танлов фанлари модули.**

- Хорижий инвестициялар;
- Солиқ тизими ва солиқ қадамдар тарбијасыннан янгилеклари.

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Маркетинг” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Маркетинг” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар**

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини;

- таълим хизматларида маркетинг стратегияларини;
- глобаллашув шароитида халқаро маркетинг стратегияларини;
- замонавий маркетинг концепциясини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик хужжатларни яратса олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишининг самарали шаклларини;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- ўқув муассасаларида маркетинг фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш, бошқариш усулларини қўллаш;
- маркетинг стратегияларини таълим амалиётида қўллаш, маркетинг воситаларидан фойдаланиш;
- халқаро маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, муайян вазиятларда асосланган қарорлар қабул қилиш **қўнималарига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойихалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- турли микро ва макро стратегияни амалга оширишни;
- стратегик таҳлилни амалга ошириш;
- прогнозлаштириш моделлари қўллаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

## **Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

### **«Маркетинг» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

#### **I. Умумий тайёргарлик модули**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимида замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

##### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

### **1.3. Таълим сифати менежменти.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирудувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирудувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

## **II. Умумкасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизими авоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик муроҷот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

### **2.4. Амалий хорижий тил.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” карорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва муроҷотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофига муроҷот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий муроҷот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид муроҷот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўнинмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий гоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

## **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **3.1. Таълим хизматларида маркетинг стратегиялари.**

Таълим соҳасида маркетингни ташкил этиш илмий асослари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўқув муассасида маркетинг хизматини шакллантириш тамойиллари. Ўқув жараёнларини бошқаришнинг ва бошқарув функцияларига интеграциясининг аҳамияти. Маркетинг бошқарув усусларининг ютуқ ва камчиликлари. Ҳудудий бошқарув органлар ва жамоа ташкилотлари томонидан

таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида маркетингга қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва имкониятлари. Ўзбекистон таълим соҳасида маркетингнинг хуҳусиятари. Таълим хизматлари маркетингни субъектлари ва обьектари. Таълим муассасалари учун стратегик маркетинг режасини тузиш. Стратегия оптимал вариантларини танлаш ва баҳолаш механизмлари.

### **3.2. Глобалшув шароитида халқаро маркетинг стратегиялари.**

Ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий фаолият ҳолати ва муаммолари. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш ҳамда глобаллашув шароитларида халқаро маркетингни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида маркетингни шакллантириш назарий асослари. Корхоналарнинг халқаро бозорга кириб бориши. Халқаро маркетингнинг замонавий концепцияси. Халқаро маркетинг фаолиятини омиллари. Глобал маркетинг. Жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви. Ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш муаммолари. Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида маркетингни шакллантириш назарий асослари.

Замонавий халқаро маркетинг стратегиялари. Халқаро бозорда фирмалар стратегияси. Фирмаларнинг стандартлаштирилган, стандартлаштирилмаган ва глобал ёндашувлари. Халқаро маркетингни режалаштиришга комплекс ёндашув. Замонавий халқаро маркетинг стратегиялари.

### **3.3. Замонавий маркетинг концепцияси.**

Замонавий маркетинг концепцияси: унинг илмий асослари, ривожланиш тенденциялари. Замонавий маркетинг концепцияси модулининг моҳияти, илмий аҳамияти ва вазифалари. Маркетинг концепциясининг ривожланиш тарихи. Маркетинг тизими тушунчалари, унинг тарихий илдизлари. Замонавий маркетинг концепцияси асосида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш шакллари. Миллий корхоналарда маркетинг тизмини шалланиши. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш кетма-кетлиги ва асосий бўлимлари. Корхона фаолиятини маркетинг тамойиллари асосида ривожлантиришни асосий йўналишларини танлаб олиш.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар шароитида корхоналарда стратегик ва тактик режалаштириш масалалари. Маркетингда стратегик режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Стратегик режалаштиришнинг асосий тамойиллари. Тактик режалаштиришнинг роли ва ўрни. Тактик режалаштиришда режа кўрсаткичларининг ҳисоби. Маркетинг назорат турлари. Маркетинг стратегиясини бозордаги реал шароит билан таққослаш таҳлили. Маркетинг чоратадбирлари самарадорлиги. Бозорни турли сегментларидаги фойдалиликни таҳлил этиш. Маркетинг дастурини корректировка қилиш.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.**

Олий таълим тизими инфраструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти.

Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

#### **4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишидаги инновациялар.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбик этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

### **V. Танлов фанлари модули**

#### **5.1.Хорижий инвестициялар**

Инвестиция муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши. Хорижий инвестициялар ва уларни жалб қилиниш сабаблари. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари. Хорижий инвестицияларнинг турлари. Инвестиция фаолиятига тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти ва субъекти. Бевосита ва портфелли хорижий инвестициялар

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг обьектив зарурлиги. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш шакллари ва уни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси. Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари. Инвестиция шартномалари. Жаҳон иқтисодиётиning глобаллашувида хорижий инвестицияларнинг ўрни. Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиши. Инвестициялар экспорти ва импорти

Хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳитнинг шакллантирилиши. Очиқ эшиклар сиёсати ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш давлат сиёсатининг стратегик йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар. Қўшма корхоналарни ташкил этишда хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш. Ўзбекистон иқтисодиётини жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини ривожлантириш муаммолари. Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш концепцияси. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни кредитлаш.

## **5.2. Солиқ тизими ва солиққа тортишнинг янгиликлари**

Солиқ тизими, унинг элементлари. Солиқ объекти. Солиқ ставкаси ва унинг турлари. Солиқ базаси. Солиқ имтиёзлари. Солиқ преференциялари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тараққиётини концептуал асослари. Солиқ тизимининг хуқуқий асоси ва унинг мустаҳкамлаш борасидаги амалга оширилган ислоҳотлар. Умумдавлат солиқлари. Маҳаллий солиқлар ва йифимлар. Махсус солиқ режимлари. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби ва унинг таркибий элементи. Билвосита ва бевосита солиқлар, уларни бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти. Жисмоний шахслардан ундириладиган ликлар. Юридик шахсардан ундириладиган солиқлар.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва солиққа тортиш янгиликлари. Мустақиллик йилларида солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар. Замонавий шароитларда солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари. Амалдаги солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, макроиктисодий статистика муаммолари, халқаро статистика, миллӣ ҳисоблар тизими, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиши.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қўйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;

- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслекларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

1. Педагогика фанини ривожлантириш жараёнлари ва воситалари.
2. Инновацион педагогик фаолият назарий асослари.
3. Блум таксономияси асосида таълим мақсадларини лойиҳалаш.
4. Таълим натижалари таксономияси.
5. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.
6. Компьютер тармоқлари.
7. Эвристик топшириқлар методи.
8. Тадқиқотли топшириқлар методи.
9. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари.
10. Дидактика – таълим назарияси сифатида.
11. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.
12. Дарс-таълимни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.
13. Таълимни ташхис этиши.
15. Тарбия тамойиллари.
16. Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
17. Замонавий маркетингнинг концептуал асослари.
18. Товар ассортимент сиёсатини шакллантириш ва уни амал қилиш йўллари.
19. Маркетинг коммуникацион тизими.
20. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш йўллари.

## **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини кўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлими билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2011 йил 30 декабрдаги 1675-сонли қарори

23. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.

24. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.

25. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.

26. Воронин Г.Л. Конфликты в школе.// Социологические исследования, 1994. - № 3

27. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.

28. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.

29. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. 218 с.

30. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. «Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок». МВССО. Т.,2002. 98 с.

31. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002й. 218 б.

32. Сатторов. А. «Информатика ва ахборот технологиялари». - Академик лицей ва қасб – ҳунар колледжлар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 й. 325 б.

33. М.Х.Лутфуллаев., М.А.Файзиев. «Интернет асослари», СамДУ нашриёти. 2001 й. 198 б.

34. Б.Ғ.Қодиров. У.Бегимқұлов, А.А.Абдуқодиров. «Ахборот технологиялари». Электрон дарслик. 2002 й. 213 б.

35. Фозиев Э. Психология методологияси. - Т.: Университет, 2002 й. 198 б.

36. Фозиев Э. Умумий психология. 1, 2-китоб. - Т.: Университет, 2002 й. 212 б.

37. Фозиев Э., Мамедов К. Қасб психологияси. - Т., 2003 й. 183 б.

38. Ижтимоий педагогика. / Н.Эгамбердиева - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.

39. Ингенкамп К. Педагогическая диагностика. – М., 1991й. 326 с.

40. Ишмухаммедов Р.Ж. «Инновацион технологиилар ёрдамида ўқитиши самарадорлигини ошириш йўллари» Тошкент: 2000й. 161 б.

41. Каримова В.М. Психология. - Т.: Шарқ, 2000 й. 210 б.
42. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006 й. 183 б.
43. Мавлонова Р., Холикбердиев К., Тураева О. Педагогика.– Т.: Уқитувчи, 2006 й. 298 б.
44. Маклаков А.Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2003 г. 316 с.
45. Немов Р.С. Психология. - М.: ВЛАДОС, 2003.- 1-2-т. 518 с.
46. Оконь В. Ведение в общую дидактику. М., 1990 г. 128 с.
47. Основы психологии: Практикум. (Пед. сост. Л.Д.Столяренко) Ростов Н.Д. 2006 г. 299 с.
48. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: Молия-иқтисод, 2008й. 208 б.
49. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. – в 2-х кн. – М. : ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
50. Радугина А.А. Педагогика и психология. - Изд. центр Москва, 1999 г. 418 с.
51. Раҳмонқулова С.И. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш.- Т., 1998 й 224 б.
52. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер, 2007 г. 318 с.
53. Рыбакова М.М. Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе. – М., 1991(1992). – 128 с.
54. Рыжков В.Н. Дидактика. – Москва, ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 318 с.
55. Сайидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
56. Саттаров И., Б.Ғ.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов. «Компьютерда лаборатория ишлари». Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й. 143 б.
57. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. 163 б.
58. Умумий психология. - А.В. Петровский таҳрири остида - Т.: Ўқитувчи, 1992 й. 329 б.
59. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000 й. 122 б.
60. Холмуродов Р.И., М.Х, Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиилари асосида ўқитиши», Т.,ЎзРФА «Фан», 2003 й. 176 б.
61. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
62. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994 г. 236 с.
63. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г. 92 с.
64. Юлдашев У.Ю. Бокиев Р.Р. Зокирова Ф.М. Информатика - Т., 2002 й. 163 б.
65. Ахунова Г.Н. Маркетинг образовательных услуг – веление времени //Деловой партнер. №43, 2006.
66. Ахунова Г.Н. Организация и роль маркетинга образовательных услуг, подготовки и переподготовки кадров /Экономический вестник Узбекистана №5, 2007.

67. Голощапова Т.В. Особенности маркетинговой деятельности ВУЗов в условиях рынка. Материалы семинара «Маркетинг образовательных услуг» Служба маркетинга МЭСИ.
68. Nazarova F.M., Karimova R.N. Xalqaro Marketing. O`quv qo`llanma. – Т.: TDIU, 2010. -225 bet.
69. Qorieva Yo. Xalqaro marketing – Т.: TDIU, 2010.
70. Солиев А.С. Маркетинг. –Т.: Адолат, 2008.
71. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Экспресс – курс / пер.с англ. под ред. Ю.Н. Каптуревского СПб.: Питер 2010 – 496 с.
72. Кревинс Д. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2008. 512 с.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
14. [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)
15. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
16. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
17. [www.economy.ru](http://www.economy.ru)
18. [www.nimb.nnov.ru](http://www.nimb.nnov.ru)